

ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАР УСЛУБИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мухитдинова Хадича Собировна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада расмий услубнинг алоҳида тури ҳисобланувчи дипломатик ёзишмалар услубининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари ҳусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар. Расмий услуб, ҳужжатчилик, расмий иш юритиш, дипломатия, дипломатик ёзишмалар, ҳужжатчилик, термин ва атамалар, ижобий ҳиссий бўёқли, китобий услубга хос сўзлар.

Дипломатик ёзишмалар расмий услубнинг алоҳида тури бўлиб, у лексик ва грамматик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари билан расмий иш ҳужжатларининг барча турларидан фарқланиб туради. Дипломатия термини ўзбек тилига XX асрнинг ўрталарида рус тили орқали кириб келган бўлиб, манбаларда у қуйидагича таърифланади: «Дипломатия – давлатнинг ташқи халқаро сиёсатини амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти»дир [1,119]. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатининг янги нашрида ҳам ушбу терминга “Дипломатия (французча *diplomatie* > юнонча *diploma* – икки букланган қоғоз варағи)” давлатнинг ташқи халқаро сиёсатини амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти)” дея изоҳланган. Мазкур луғатда дипломатиянинг халқ дипломатияси (айрим шахслар, гуруҳларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти) ҳамда “бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала” каби маънолари ҳам қайд этиб ўтилган [2, 624].

Ўзбек тилшунослигида дипломатик нутқ юзасидан олиб борилган тадқиқотларда дипломатия тушунчасини ифодалашда, асосан, мазкур икки луғатга асосланилади. Бироқ айрим манбаларда ушбу тушунча юзасидан кенгрок, мукаммалроқ фикрлар ҳам билдирилган [3].

Дипломатик ёзишмалар келиб чиқиши ва ривожланиш тенденциялари нуқтаи назаридан ҳам ўзига хосликка эга. Расмий услубнинг мазкур тури давлатчиликнинг юзага келиши ва ривожланишига алоқадорлиги боис расмий ҳужжатлар ичида энг қадимийси ҳисобланади. Айни вақтда дипломатия давлат мустақиллиги билан узвий боғлиқлиги, маълум бир даврларда ўзбек дипломатияси ривожланишдан тўхтаб қолгани ҳамда мустақилликка эришганимиздан кейингина қайта туғилгани боис, ўзбек дипломатияси нутқ услублари орасида энг ёши ҳамдир.

Дипломатик услуб тарихан давлатчилик ва ҳужжатчиликнинг шаклланиши ва такомили билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг илк намуналари қадимий битигтошлар, ёдномалар, тарихий солномалар, ёрлиқлар, юрт эгалари томонидан чиқарилган фармонлар, хонлиқлар ўртасидаги расмий

ёзишмаларда тамғаланиб қолган [4,4-13]. Юрт бошқаруви тизимида подшоҳларнинг шахзодаларга, расмий мансабдор шахсларга, эл-улусга қаратилган сўзлари пандномалар шаклида жамланиб, эл-улусни бошқаришнинг асослари сифатида сақланиб қолган. Жумладан, IX асрда яратилган “Қобуснома”, Темур салтанатида давлат бошқаруви асослари баён қилинган “Темур тузуклари” шундай ноёб ёдгорликлар ҳисобланади.

Шунингдек, тарихий қўлёзма манбаларда Олтин Ўрда хонлари ва Темурий султонлар буйруқлари билан битилган этнографик матнлар, ўзга юртларга йўлланган ёрликлар ва номалар суюрғал битиглар шаклида сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бари хон ёки султонлар тилидан битилган, яъни ҳужжатлар хон ва султонларнинг ўз оғзидан ёзиб олиниб, сўнг ҳаттотлар томонидан оққа кўчирилган. XIV асрда Темурийлар салтанати даврида дипломатик иш юритишнинг мустаҳкам йўлга қўйилганлиги, бу борада ҳатто “Темур тузуклари” китобининг яратилганлиги, ўша даврдаёқ элчиларни қабул қилиш тартиблари ва ёрликлари амал қилганлиги ушбу ҳужжат турининг қанчалик қадимийлигини яққол далиллайди. Ушбу дипломатик ёрликлар ва мактублар асосан монологик характерга эга бўлиб, бир кишига, яъни ҳукмдорга қарашли бўлган. Ёрлик ва мактубларнинг тури, мақсадига қараб матннинг баён услуби, ҳукмдор нутқи ҳам фарқланиб, сиёсий, расмий-дипломатик нутқни, расмий мулоқот юритишнинг лингвомаданий, этик-эстетик ўлчовларини намоён этган.

Республикамизда дипломатик расмий иш услубини ўрганиш бўйича илк тадқиқотлар Х.С.Муҳиддинова, Н.А.Абдуллаеваларнинг “Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури” [5], М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг “Давлат тилида иш юритиш” қўлланмалари [6] орқали амалга оширилган. Уларда дипломатик ёзишмалар турлари тавсифланган, дипломатия соҳасида қўлланадиган ёзишмалардан намуналар келтириб ўтилган.

Давлатларнинг ва давлатараро алоқаларнинг ривожланиши расмий услубнинг тубдан ислоҳ қилинишига ва замонавий тенденциялар асосида янги шакл ва мазмун касб этишига олиб келди. Расмий ҳужжатлар ва расмий услубда иш юритиш мустақил Ўзбекистоннинг давлат тили ҳисобланувчи ўзбек тилининг меъёрий қоидалари асосида шаклан ва мазмунан қайта қолиплаштирила бошланди. Барча расмий матнлар қатори дипломатик ёзишмаларнинг ҳам мантиқий-тузилмавий тузилмаларини мукаммаллаштириш ва ишлаб чиқиш, уларда нутқнинг шахсий бўлмаган хусусияти, номинал табиатини, лексик ва морфологик тузилмаси, стандартлаштириш масалаларини тубдан кўриб чиқиш, яъни расмий услубни ислоҳ қилиш заруратини юзага келтирди.

Бугунги кунда расмий услубда ҳужжатларни ёзиш қоидаларига давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа сифатида қаралмоқда ва давлат тилида иш юритиш махсус фан сифатида ўқитилмоқда. Хусусан, расмий услубнинг алоҳида тури ҳисобланувчи дипломатик ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштиришда тилнинг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини

маълум даражада билиш зарурати, шунингдек, тилнинг имло қоидалари, тиниш белгилари ва услубий қоидалар ҳам пухта эгалланган бўлиши талаби айнан дипломатик ёзишмалар тили ва услубини жиддий ўрганиш тақозо этади.

Албатта, дипломатик ёзишмалар алоҳида терминлар тизимига эга. Уларнинг асосий қисми халқаро миқёсидаги термин бўлгани учун таржимасиз қўлланилади. Масалан, *агреман* – элчиликка таклиф этилган шахснинг келишига бериладиган розилик, *конфедерация* – муайян мақсадларда тузиладиган иттифоқ, *ассамблея* – халқаро ташиқлотларнинг умумий йиғилиши, *факт* – сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро аҳднома (шартнома). *канцлер* – Австрия ва Олмонияда ҳукумат бошлиғи, *виза* – рухсатнома, *билль* – қонун лойиҳаси каби.

Расмий ҳужжат номларини ўзбек тилининг ўз имкониятлари асосида шакллантира бориш, ҳужжатчиликдаги сўз, сўз бирликлари ва ибораларнинг ўзбекча муқобилини излаб топиш ва амалиётга киритиш муҳим вазифалардан саналади. Бироқ дипломатик атамалар давлатлараро муносабатларни ифодалагани учун уларни таржима қилишдан кўра аслиятида ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай бўлса-да, бирикма шаклидаги атамалар таркибида барча тилларда бўлгани каби ўзбек тилига оид қўшимчаларнинг қўшилиб келишини, баъзан ўзбекча муқобили билан қўлланишини кузатиш мумкин. И.Шамсимухамедовнинг 400 га яқин дипломатик атамаларнинг изоҳи келтирилган “Дипломатик терминлар изоҳли луғати”дабиргина *дипломатия* термини асосида юзага келган 30 дан ортиқ бирикмали атамалар қайд этилган сўзлар бўлиб, улардаги ўзбекча муқобилли ёки қўшимчали бирикмаларни фикримизнинг далили сифатида келтиришимиз мумкин: *дипломатик, дипломатик агент (ёки вакил), дипломатик агентлик, дипломатик акт, дипломатик алоқалар, дипломатик алоқалар, дипломатик архивлар, дипломатик айдивенция, дипломатик бошпана, дипломатик вакиллик, дипломатик ваколатхона, дипломатик виза, дипломатик ёзишма, дипломатик имтиёз, дипломатик иммунитет, дипломатик класс, дипломатик корпус, дипломатик курьер, дипломатик миссия, дипломатик музокара, дипломатик муносабатлар, дипломатик паспорт, дипломатик персонал, дипломатик почта, дипломатик протокол, дипломатик ранг, дипломатик ташириф, дипломатик этикет, дипломатик қабул, дипломатик ҳуқуқ* ва б. [3, 36-56]

Дипломатик ҳужжатларнинг шакли, ташқи кўриниши қанчалик муҳим бўлмасин, диққат-эътибор асосий қисмга, унинг мазмунига қаратилмоғи шарт. Фикрни аниқ, тўғри, мантиқий изчил, асосли ҳамда иккинчи томоннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баён этиши зарур. Ушбу ҳужжатларда ноаниқлик, далилларни нотўғри кўрсатиш бўлмаслиги лозим. Чунки уни кейин тўғрилаб ёзиш ёки алоҳида тўғрилаб маълумот бериш мумкин эмас.

Дипломатик ҳужжатлар лисоний жиҳатдан ўзига хос лексик-услубий, морфологик ва синтактик хусусиятларга эга. Лексик-услубий жиҳатдан дипломатик ёзишмалар ўз атамалар тизимига, қолиплаган турғун бирикмаларига, синоним, антонимлар каби турли ифода воситаларига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, расмий иш услуби ҳиссий бўёқдор сўзлардан холи бўлгани холда дипломатик ёзишмалар ҳиссий бўёқдор сўзларга бойлиги, мақтов сўзларига эгалиги билан ажралиб туради. Мақтов сўзлари дипломатик ёзишмаларининг энг асосий тури бўлмиш нота –баёноتلарнинг зарурий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг оз-кўп қўлланилашига қараб ушбу ҳужжатлар маълум бир турларга ҳам ажратилади. Чунончи, ноталарда “*Жаноби олийлари*”, “*Ҳурматли жаноб*”, “*Сизга бўлган юксак ҳурматимга ишонч билдиргайсиз*” каби ҳурмат-эъзоз сўзларининг кўп қўлланилиши унга дўстоналик, оз қўлланилиши эса расмий тус беради.

Дипломатик ёзишмаларда синонимик қаторнинг кўпроқ услубий нейтрал сўзлари эмас, балки ижобий ҳиссий бўёқли ва китобий услубга хос сўзлари кўп қўлланилади. Чунончи, *билдираман* сўзи ўрнида *изҳор этаман*, *вақт ўрнида фурсат*, *бир марта ўрнида бир бора*, *мансаб ўрнида лавозим*, *рахмат ўрнида ташаккур*, *хурсанд сўзи ўрнида мамнун* сўзлари қўлланилади. Дипломатик протоколда (айниқса оғзаки нутқларда) иборалар кўчма маънода қўлланивчи турғун сўз бирикмалари, жумладан *бош устига*, *бошимиз кўкка етди*, *кўнглингизни чўктирманг бир ёқадан бош чиқариб*, *бир тану бир жон бўлиб* иборалар, шунингдек, халқ мақоллари, донолар бисотидан олинган афоризмлар кенг қўлланилади. Бундай турғун бирикмалар нутққа кўтаринки руҳ беришга, таъсирчанликни оширишга хизмат қилади. Қадимда иборалар дипломатик ҳужжатларда аиниқса кўп қўлланилар эди, ҳозир ҳам айрим расмий шахсий хатларда тез-тез учраб туради [5, 4-7].

Расмий услубнинг яна бир хусусияти – расмий иш ҳужжатлари матнларида образли воситалар: метафора, метонимия, бошқа кўчимлар, нутқ образини яратишнинг бошқа усуллари мавжуд эмаслиги, Эмоционал бўёқдорлик айрим ҳужжатларда учрайди. Бироқ, тилнинг ушбу эмоционаллик элементлари расмий услубда ўзининг эмоционаллик функцияларини йўқотади, улар мурожаатнинг шартли формулалари, сўровнинг анъанавий белгилашлари, рад этиш, хулоса ва ҳоказоларга айланади. Шундай қилиб, расмий услуб лексик тузилмаларнинг таркибий қисмлари матнлар таркибидаги терминларнинг катта қисми билан тавсифланади.

Кўринадикки, дипломатик ҳужжатларда сўзга эътибор жуда кучли бўлмоғи керак. Ушбу ҳужжатларнинг тили содда, равон бўлиб, кўчма маънолардан холи бўлмоғи, сўз мазмун билан мутлоқ мос бўлиши, ундан бошқача маъно англашилмаслиги керак. Агар сўз маъносида қандайдир маъно нозиклиги ёки мавҳумлик бўлса, уни бошқа сўз билан алмаштирилгани маъқул.

Умуман олганда дипломатик ҳужжатларда дўст қиладиган ҳам, душман қиладиган ҳам сўздир. “*Айтилган сўз – отилган ўқ*” дейди халқимиз. Ўз ўрнида айтилган ёки ёзилган сўз халқларни бир-бирига яқинлаштиради, баъзи келишмовчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Аксинча, нотўғри ёки ноўрин айтилган сўз эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун дипломатик ёзишмаларда халқимизнинг “*Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз*”, “*Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нақли бор*” каби доно ўғитларини ҳамиша ёдда тутиш керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Hamrayeva Y. O'zbek tilining o'zlashma so'zlar va o'quv izohli lug'ati. – T. Yangi asr avlodi. 2009. – 119 b.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. (Тузатилган 2-нашри) – Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси., 2020. – 624-б.
3. Шамсимухамедов И. Дипломатик терминлар изоҳли луғати. – Тошкент, “Донишманд зиёси”, 2021.
4. Дадабаев Ҳ. Старотюркская дипломатическая терминология в XI-XIV вв. / Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Ташкент: «Фан», 1994. – С. 4-13.
5. Муҳиддинова Х.С. Абдуллаева Н.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. (ўқув қўлланма). –Тошкент, РТМ.- 1997.
6. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н., Одилов Ё.. Давлат тилида иш юритиш. - Тошкент: “Ўзбекистон нашриёти”. - 2020.